

“ЁШЛАР ОВОЗИ” ГАЗЕТАСИ



Газетанинг асосий мақсади – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини, ёшларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, дам олиши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий жихатдан камол топиши масалалари ва уюшмаган ёшлар муаммоларини ёритиш. Ёшларнинг ислохотларни амалга ошириш, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуришда иштироки,

уларнинг миллий истиқлол ғоялари, миллий қадриятларга садоқат, ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида, диний ақидапарастлик, терроризм, миллатчиликка нисбатан мурасасизлик кайфиятида тарбиялаш масалаларини акс эттириш. Ўсмирлар ва болалар ташкилотлари, халқаро ёшлар ҳаракати ҳақида ҳолис ахборот бериш.

«ОИЛА ДАВРАСИДА» ГАЗЕТАСИ




Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган кенг кўламдаги ғамхўрлик, кучли ижтимоий муҳофаза, ёш оилалар ҳамда кам таъминланган оилаларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий

сиёсатнинг мазмун-моҳияти, унинг самараларини кенг ёритиш, ҳар бир хонадонга, оилага олиб кириш «Оила даврасида» газетасининг бош мақсадидир. Газета бугунги куннинг долзарб бўлиб турган мавзуларни ранг-баранг тарзда ёритишга алоҳида эътибор қаратади.




Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш бўйича ягона тизимни яратиш мақсадида 2017 йил 30 июнь куни ёшлар ташкилотининг таъсис Қурултойида ёшларнинг таклиф ва истаклари асосида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июль куни “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини янада ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2017 йил 18 июль куни “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.



«Ёшлик» ЖУРНАЛИ

«Ёшлик» – ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали. 1982 йилдан чоп этила бошланган. Ўзбекистон ёшларининг маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онг-шуурини турли ёт ғоялардан асраш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, энг сара адабий асарларни тарғиб қилиш, адабий ва ижтимоий ҳаётдаги энг долзарб масалаларга жамоатчилик диққатини қаратиш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва ёшларнинг бадиий-эстетик дидини шакллантириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш журналнинг бош мақсадидир.



«ЁШ КУЧ» ЖУРНАЛИ

«Ёш куч» журнали – катта ҳаёт оstonа-сидаги ёшлар учун даврнинг долзарб масалаларига жалб этувчи креатив лойиҳалар, кеча ва бугуннинг энг қизиқарли ҳодисотлари, мусиқа ва кино янгиликлари, юлдузлар билан интервьюлар, муҳаббат тарихлари, моданинг илғор тенденциялари, энг яхши стилистлардан тавсиялар, психологияга оид мавзулар, санъатнинг тирик афсоналари билан

фотосессиялар. Журналнинг муассиси: Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши.

«Ёш куч» журналининг асосий вазифаси республикада олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, таълим соҳасидаги ислохотларни кенг ёритиш, ўсмирлар ва ёшларда миллий истиқлол туйғуларини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавияти юксак, комил инсонлар бўлиб етишишига ҳисса қўшишдан иборат.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
2017 йил 25 август куни “Ўзбекистон
Республикаси ёшлари кунини
белгилаш тўғрисида”ги Қонунни
имзолади. Қонунга асосан,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил
топган кун — 30 июнь санаси
мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб
эълон қилинди.



Мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига яқиндан қўмакла-

шиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси бош вазири раислигида, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида Ёшлар масалалари бўйича идоралараро Кенгашлар фаолияти йўлга қўйилди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси



Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб белгиланди.

«MY 5» ТЕЛЕКАНАЛИ



«MY 5» телеканали – ўзбек, рус, инглиз тилларида ўз фаолиятини олиб боради. Телеканал асосан ёшлар (мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув yurtлари талабалари ҳамда мураббийлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари)га мўлжалланган. Ўзининг фаолияти давомида телеканал томошабинлар эътибори, ишончини қозониб, ўзининг рақобат кучига эга эканлигини муваффақият билан исботлади. Унинг нуфузли ўрин эгаллашида фуқаролик жамияти учун жонқуярлиги муҳим омилдир. Оммага қизиқ бўлган, ёшларбоп ва бугунги кунда долзарб бўлган мавзудаги контентни тақдим қилиш каналнинг устувор вазифаларидан саналади.

“ЁШЛАР ОВОЗИ-ФМ” РАДИОКАНАЛИ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги “Ёшлар овози-ФМ” ёшлар радиоканали ўз эшиттиришлари орқали ўсиб келаётган ёш авлодни ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни маънавий камол топтириш, иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қўмаклашмоқда. Радиоканал эшиттиришларининг асосий қисмини ёш тингловчилар аудиторияси учун қизиқарли бўлган мусиқий, ахборий ва ёшлар ҳаётининг турли жабҳаларига оид дастурлар ташкил этади.



«ЁШЛАР» ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИ



«Ёшлар» телерадиоканали фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатни демократик янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида ёшларнинг иштирокини кенг ёритиш;

- умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, йигит ва қизларни халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий қадриятлари, миллий маданиятимиз ва жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқлари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатидан етук, маърифатли, билимли ҳамда ватанпарвар-

лик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз замонавий ёшларининг ички маънавий дунёсини намоён этишга йўналтирилган телекурслар тайёрлаш;

- ёш авлоднинг фаол ҳаётий позициясини шакллантиришга қаратилган республика ва халқаро миқёсдаги турли телефестивалларни ташкил қилиш;

- халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини сақлаб қолишга, фольклор-этнографик анъаналарни ривожлантиришга, миллий ҳамда жаҳон адабиёти, мусиқаси, театри, киноси, тасвирий санъатининг энг яхши намуналари билан таништиришга қаратилган муҳим ижтимоий, гуманитар-маърифий телекурсларини ташкил қилиш.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро тизимли ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлар билан англашув Меморандумлари имзоланмоқда. Жумладан, Фан ва технологиялар агентлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Кинематографияни ривожлантиришга қўмаклашиш маркази, Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда яна бир қатор ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик битимлари имзоланди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди.



“Республика ёш олимлар кенгаши” нодавлат нотижорат ташкилоти



“Республика ёш ижодкорлар кенгаши” нодавлат нотижорат ташкилоти

“Республика ёшлар маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти

“Ёшлар оромгоҳи” масъулияти чекланган жамияти

“Етакчи” ёшлар маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти

“Республика ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти

“Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти

“Ёш киноижодкорлар кенгаши” нодавлат нотижорат ташкилоти

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ ЭГАСИ



Тақдир экан, Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош шаҳарчасида истиқомат қилувчи Соҳиба Қувонова-нинг жисмоний имконияти сизу-биз-никидан бироз фарқ қилади. Бу қиз моҳир тикувчи. Тўғри, унинг ҳар иккала оёғи ҳам йўқ. Бироқ, тақдир-нинг насибасига кўниб, тўшакка ёки бўлмаса аравачага суяниб қолмади. Умрининг ҳар бир дақиқасини шифт-

га қараб термулиб ўтказмади.

Бу қиз ҳақида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари хабар топиш-ганидан сўнг, “енг” шимаришди. Вилоят ҳокимининг эшигини тақил-латишди. Шукрки, ҳоким ташаббусга “лаббай” деб жавоб берди.

Ҳа, бу қиз ҳаётнинг мавжуд қонунларини “ёриб” чиқди. Соҳиба Қувонова имконияти чекланганлик ҳаётда инсоннинг мақсадига тўсиқ бўлолмаслигини исботлади.

Унинг қўлидан келмайдиган иш деярли йўқ. Тикувчилик ҳунари орқа-ли бутун маҳаллага донг таратган. Ҳамма уй юмушларини ўзи эплайди. Суратлар бунга исбот. Онаси Зумрад опага баъзи соғлом фарзандлар олиб беролмаган “Раҳмат”ни ҳадя қилди. Қуни-кеча ушбу маънавий жасорат эгаси Соҳибага Оқтош шаҳридан 2 хонали квартира, 2 та замонавий тикув машинаси, энг замонавий уй жиҳозлари топширилди. Энди Соҳиба бемалол ўзининг тикувчилик фао-лиятини кенгайтириши, ўз уйида фаровон яшаши мумкин. Тўғрида, ўзига жасорат топа олган ушбу қиз бундан-да ортиқ эътиборга лойиқ. Мана, замонамиз қаҳрамони. Мана, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва вило-ят ҳокимининг амалий иши...

Соҳиба Қувонованинг ҳаракатлари-га бир разм солайлик ва ўзимиз учун хулоса чиқарайлик!

Ҳаёт кутилмаган тасодифларга бой!!! Фақат биз бунга ишонишимиз керак.

— Менга бутун дунё ҳавас қилишини хоҳлайман. Ногирон бўлганим учун менга ачинишларини эмас балки шу икки оёғи йўқ қиз шунча ишларни амалга оширибди, деб одамларнинг ҳайратланишини хоҳлайман. Менга бўлган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимдан, ҳукуратимдан миннатдорман, — дейди Соҳиба Қувонова.

ЎЗ ИШНИ БОШЛАШГА
ЯХШИ ТУРТКИ

1996-йилда Самарқандда туғилган Камолжон Аликов бошқа болалар қатори ота-онасининг меҳр тўла нигоҳларини, ғамхўрлигию эрка-лашларини ҳис қилмади. Яқинларидан эрта қолган бу йигитча меҳрибонлик уйида тарбияланди. Гарчи кўнгли ярим бўсада, келажаги ҳақида узун тунлар орзу қиларди. Олдига аниқ мақсадлар қўярди. Билими, тиришқоқлиги сабаб Самарқанддаги туризм коллежини аъло баҳоларга тамомлади.

Тадбиркорлик соҳасига қизиқиши сабаб, Камолжон 2015 йилда “Ёш тадбиркор – юртга мадакдор” танловининг совриндорига айланди. У ўзининг нон ва қандолат маҳсулотлари цехи фаолиятини йўлга қўймоқчи эди. Аммо, бу орзусини амалга ошириш учун унга на маблағ, на имконият бор эди. Ёш ва қатий мақсадли Камолжон қаерларга мурожаат қилмади, дейсиз... Аммо, унинг барча ҳаракатлари самарасиз бўлиб чиқди. Ҳеч ким бу ёш йигитчага ёрдам беришни истамасди...

Жорий йилнинг 14 август куни Шаҳрисабзда “Ўзбекистон Республикасида ички туризмни ривожлантириш истиқболлари ва унда ёшларнинг ўрни” Форуми ташкил этилди. Форум доира-сида ёшларни қийнаётган мавзуларда очиқ мулоқотлар ўтказилди. Ушбу мулоқотда Камолжон ҳам юрак ютиб, ўзига жасорат топиб, кўнглини, орзуларини, армонларини “ёрди”.

Камолжон Ёшлар ташкилоти вакиллари орқали Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси қабулида бўлди. Ёшлар етакчиси унинг бизнес режасини қўллаб-қувватлади. Ҳояни амалга ошириши учун имтиёзли кредит ажратишини маълум қилди.



Мана, 3 йилдирки, Камолжонни қийнаб келаётган муаммо, ҳеч қанча вақт ўтмай, ўз ечимини топди. Қувончининг чегараси йўқ.

Ҳа, бу Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг навбатдаги амалий қадами эди... Ёшлар ташкилоти бундан кейин ҳам Камолжонга ўхшаган ёшларни қўллаб-қувватлашга тайёр. Зеро, ёшлар келажак бунёдкори!



— Очиғи, менга кимдир ёрдам беришига умидим қолмаганди. Аммо бугун бизнинг Етакчимиз менинг илтимосимни эшитди. Менга имтиёзли равишда 3 йилга 35 млн. сўм маблағ ажратишди. Бу мақсадимга эришишим учун етарли. Мен Ёшлар етакчиларига, менга билдирилган ишонч учун раҳмат айтаман. Келажакда ёшлар иттифоқи мен каби ота-онаси йўқ, меҳр ва эътиборга муҳтож тенгдошларимга ҳам меҳр қўлини чўзишига энди ишонаман, — дейди Камолжон Аликов биз билан суҳбатда.



**“Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши”
нодавлат нотижорат
ташкilotи**

**“Ёшлар ташаббуслари
маркази” нодавлат
нотижорат ташкilotи**

**“Янги авлод форуми”
болалар ижодиёти
маркази нодавлат
нотижорат ташкilotи**

**“Ёшлар ижод саройи”
нодавлат нотижорат
ташкilotи**

**“Имконияти чекланган
ёшлар ва болалар
маркази” нодавлат
нотижорат ташкilotи**

**“Ёшлар туризми
агентлиги” шўъба
корхонаси**



**“Медиа марказ” нодавлат
нотижорат ташкilotи**

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони
2017 йил 5 июль, ПФ–5106

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
2017 йил 18 июль, ПҚ–3138

Постановление Президента Республики Узбекистан “О мерах по организации деятельности Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан”
2017 год 14 августа, ПП–3206

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Yoshlar” teleradiokanali” акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори
2017 йил 21 август, № 649

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг моддий-техник баъзасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
2017 йил 18 сентябрь, № 737

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар”ги Қарори
2017 йил 23 сентябрь, № 753

Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро Кенгаши мажлисининг баёни
2017 йил 13 июль, 01 07/1-1593



Ёш оилаларни янада қўлаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018-2021 йилларга мўлжалланган “Ёшлар уйлари”ни барпо этиш дастури ишлаб чиқилди.

Айни вақтга қадар барча йирик шаҳарларда – кўп қаватли, қишлоқ туманларида – 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида 29 та арзон уйлар ёшларнинг эҳтиёжлари асосида қурилиб,

1012
НАФАР ЁШ ОИЛАЛАР
УЙ-ЖОЙГА ЭГА БЎЛДИ.

НАМАНГАНЛИК ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ҚИЗНИНГ ШИЖОАТИ



ЎЗБЕКИСТОН
ЁШЛАР
ИТТИФОҚИ
ТОМОНИДАН
ТАШКИЛ
ЭТИЛГАН БУ
УЧРАШУВ ЭСА
НИЛУФАР-
НИНГ ҚАЛБИ-
ДА БИР УМР
САҚЛАНИБ
ҚОЛАДИ.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона водийсининг барча вилоятларига поезд(хайрия) сафарини уюштирди. Бу турнеда ташкилот фаоллари, зиёлилар ҳамда ўзбек эстрада юлдузларининг вакиллари иштирок этдилар. Айтиб ўтиш жоизки, вилоятлар бўйлаб сафар чоғида ушбу жамоа аъзолари энг чекка туман, қишлоқ ва маҳалла аҳолиси билан учрашдилар. Учрашув давомида улар аҳоли билан суҳбатлашиб, уларнинг турмуш тарзи билан қизиқдилар, муаммолари ҳақида сўраб-суриштирдилар ва уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилдилар. Сафар иштирокчилари, шунингдек, қишлоқ фуқароларига турли мавзудаги китоблар, спорт инвентарлари ва бошқа қимматли совғалар улашиб чиқдилар.

Шундай фуқаролардан бири Наманган вилояти Чўст тумани “Амфада” МФЙда яшовчи 19 ёшли Нилуфар Абдуллаева. У Наманганнинг энг чекка қишлоқларидан бирида яшайди.

Нилуфар туғма ногирон – гапирмайди ва эшитмайди. Бироқ бу нуқсон унинг ҳамма қатори жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишига ҳалал бермайди. Нилуфар ўқиш-ёзишни яхши билади, чеварчилик касбини пухта эгаллагина қолмай, маҳалланинг қизларига ҳам шу ҳунарни ўргатиб келмоқда.

Нилуфар Абдуллаева хонадонига “Уммон” гуруҳининг солистлари кириб келганларида унинг хурсандчилигининг чеки йўқ эди. У юлдузларни юзидаги қувонч ва қалбидаги шукроналик ҳисси билан кутиб олди. Қўшиқчи йигитлар Нилуфарга кар-соқовлар учун мўлжалланган китоб совға қилдилар. Бу китоб қизга бошқа инсонлар билан имо-ишоралар билан гаплашишни ва бир-бирларини яхшироқ тушунишни ўргатади. Совға ва юлдузларнинг эътиборидан руҳланган Нилуфар 4 та тикув машинасини ҳадя қилишларини илтимос қилди. Бу тикув машиналари сабабли Нилуфар ўзига ўхшаш кар-соқов қизларни иш билан таъминлашини, шунда улар ўзларини ҳам, оилаларини ҳам таъминлай олишларини тушунтирди. Бу шижоатли қизнинг илтимоси, албатта инobatга олинади.

Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи томонидан ташкил этилган бу учрашув эса Нилуфарнинг қалбида бир умр сақланиб қолади. Биз Нилуфарнинг ишлари юришиб кетишига ишонамиз ва унга омад тилаймиз! Ахир, унинг шижоати, эртанги кундан умиди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқидек ишончли дўсти бор.

ЭНДИ ТЎЛАҚОНЛИ ҲАЁТ КЕЧИРА
ОЛАДИГАН **ТЕМУРБЕК ҲИКОЯСИ**

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида истиқомат қилувчи Темурбек Отамирзаев, кичкиналигида содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли бир кўздан маҳрум бўлган. Миттигина Темурбекни ота-онаси учун бугун катта фожиага айланди. Ахир Темурбек эндигина 7 ёшни қаршилаган эди. Бундай фожиа боланинг руҳиятига салбий таъсир этишни бошлаётган эди. Темурбекнинг ҳамма болалар каби фаол ва оддий ҳаёт кечириши учун унга кўз протези ўрнатилиши лозим эди. Аммо Темурбекнинг оила аъзоларида кўз протезини ўрнатилуш учун етарли маблағ йўқ эди. Болакайнинг ота-онаси ёрдам сўраб кўплаб идора ва ташкилотларга мурожаат қилишди. Аммо барча ҳаракатлар натижасиз қолди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб “Ёшлар поезди” – тарғибот акциясини ўтказди. Ушбу акциянинг асосий мақсади Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мақсад ва вазибаларини тарғиб этиш, ёшларни мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга кўмаклашишдан иборат. Ушбу “Ёшлар поезди”да ёш олим ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари, тадбиркорлар, спортчилар, ижтимоий соҳа ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ёшлар иттифоқи фаолларидан иборат тарғибот гуруҳлари Фарғона водийсининг барча ҳудудларига чиқиб, тарғибот тадбирларида иштирок этди. Ушбу тарғибот акцияси доираси-



да турли очик мулоқотлар ўтказилди. Ушбу мулоқотларда ёшлар ўз муаммолари, таклиф ва истаклари билан иштирок этди.

Янгиқўрғон туманида жойлашган ногирон болалар касалхонасида ўтказилган мана шундай очик мулоқотларнинг бирида Темурбекнинг дадаси Дилшодбек Гафоров ўғлининг муаммоси билан мурожаат қилди. Дилшодбекнинг муаммосини эшитган Ёшлар иттифоқи раҳбарияти ҳамда фаоллари унга, албатта бу муаммони ечишда ёрдам беришларини айтишди. Бир неча кундан сўнг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кўмаги билан Темурбекни Тошкентга олиб келишди. Уни пойтахтнинг энг яхши кўз касалхонасига келтириб, тиббий текширувдан ўтказишди. Керакли даволанишдан сўнг унга кўз протези ўрнатилди. Энди Темурбек ҳамма болалардек ҳаёт кечириши мумкин. Боланинг нуқсонини унинг жамиятда ўз ўрнини топишига таъсир этмайди. Умид қиламизки, Темурбек келажакда катта ютуқларга эришади. Бу йўлда унга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи келгусида ҳам кўмаклашади!

Умид қиламизки,
ТЕМУРБЕК
КЕЛАЖАКДА
КАТТА
ЮТУҚЛАРГА
ЭРИШАДИ.



Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолияти натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида ёшлар нашрларини чоп этишга ихтисослашган «Ёшлар нашриёт уйи» ташкил қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Китоб олами” китоб дўконлари Ёшлар иттифоқи тассарруфига ўтказиб берилди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги “Yoshlar” телерадиоканали” акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Yoshlar” телерадиоканали” акциядорлик жамияти акциялари Ўзбекистон ёшлар иттифоқига ўтказилди. Натижада ёшларни, айниқса чекка ҳудудлардаги йигит-қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати билан яқиндан таништириш, ёш авлодга мўлжаллаб эфирга узатилаётган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар сифатини тубдан яхшилаш борасида қилинаётган ишлар янги босқичга олиб чиқилди. Айти пайтда телерадиоканал студиялари энг замонавий мультимедиа технологиялари билан жиҳозланиб, ёшларнинг фикр-мулоҳазалари асосида янги кўрсатув ва дастурлар билан бойиб бормоқда. Шунингдек, “Mening yurtim” телерадиоканалининг



51
ФОИЗ

акциялари ҳам Ўзбекистон ёшлар иттифоқига ўтказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси, айниқса, ёшлар мобил алоқадан фаол фойдаланмоқда. Бу, айниқса, юқори сифатли алоқа операторига муҳтож ёшлар учун жуда муҳим.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “UZMO-BILE” Миллий мобил алоқа оператори билан ҳамкорликда махсус ижтимоий лойиҳа — “Ёшлар” тарифи йўлга қўйилди. Бу тариф режани йўлга қўйиш, мамлакатдаги миллионлаб ёшларни бир тармоқга тўплаб, ҳақиқатдан ёшларбоп, сифатли ва маъқул алоқа учун имкониятларни очиб берди. Бундай ижтимоий йўналтирилган лойиҳа Ўзбекистонда илк бора амалга оширилмоқда. Мақсад — барча ёшларни ватанпарварлик руҳида бирлаштириш.

Ёшларни фойдали меҳнат билан банд қилиш, уларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган кўнгилли ёшлар тузилмасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан “Фидойи ёшлар” отрядлари лойиҳаси амалга оширилмоқда. “Фидойи ёшлар” отрядлари – уюлмаган ёшлар, Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотларининг фаол аъзоларидан иборат, ҳар бир туманда аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда атрофида аъзоларни бирлаштирмоқда. Айни вақтларда, “Фидойи ёшлар” отрядлари пахта йиғим теримида уюшқоқлик билан

иштирок этиб келмоқда. Бир кунда ўртача

250

минг нафарга яқин ёшлар жалб этилиб, ўртача

15

минг тонна пахта йиғиб-териблинишига кўмаклашилмоқда. Шунингдек, лойиҳа доирасида турли маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилиб, ҳашарчиларнинг мароқли дам олишлари учун шароитлар яратилди.



Мамлакатда амалга ошириладиган ёшларга оид давлат сиёсати, ёшларни ўйлантирадиган долзарб масалалар тўғрисида фикр алмашиш, уларнинг таклиф ва истаklarини тегишли ташкилот вакиллари, мутахассислар иштирокида муҳокама қилиб бориш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида “Ёшлар пресс клуби” ташкил этилди.

Сессия №1: Ёшлар Пресс клубининг дастлабки сессиясида унинг ташкил этилиши, фаолияти ва истиқболдаги режалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг халқаро ҳамкорлик соҳасида амалга ошириладиган ишлари хусусида маълумот берилди.

Сессия №2: “Ёшларга оид давлат сиёсати: эришилган натижалар, истиқболдаги вазифалар” мавзуида ўтказилди.

Сессия №3: “Ёшлар пресс клуби”нинг навбатдаги мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқининг мазмун-моҳиятига бағишланди.

Сессия №4: Пресс клубнинг ушбу сессиясида ёшларнинг диққати Орол муаммосига қаратилди.

Сессия №5: “Балоғат ёшига етган қизлар оилага тайёрми?” мавзуси доирасида очиқ мулоқот ўтказилди.

Сессия №6: Ёшлар пресс клубининг навбатдаги йиғилиши “Ёшлар уйлари – меҳнатга яраша рағбат механизми” мавзуида ўтказилди ва унда “Ёшлар уйлари” қаерда ва қанча миқдорда қурилиши, кимга, қачон ва қай тарзда тақсимланиши муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг асосий негизи ҳисобланган бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича барча таълим

муассасаларида “Ёшлар етакчиси” штат бирлиги жорий этилди. Бугунги кунга қадар ўзаро ҳамкорлик асосида имзоланган ҳужжатлар орқали

таълим муассасаларида

11
МИНГ
266 ТА,

маданият, спорт ва соғлиқни сақлаш соҳаларида

3
МИНГ
200 ТА,

тадбиркорлик соҳаси ва фермер хўжаликларида

3
МИНГ
755 ТА,

жамоат ташкилотлари ва бошқа йўналишлар бўйича

2
МИНГ
365 ТА

9 минг 636 та умумтаълим мактаби, **1 МИНГ 548 ТА** ўрта махсус, касб-хунар, **82 ТА** олий таълим муассасасида ёшлар етакчилари сайланди. Бундан ташқари умумтаълим мактабларида **1 МИЛЛИОН 960 МИНГ 2 НАФАР САРДОР**, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида **367 МИНГ 184 НАФАР** ҳамда олий таълим муассасаларида

20 МИНГ 553
нафар етакчи сайланди.



ҳамда вазирлик, идора ва ташкилотларнинг республика бошқарув органларида

50
ТА

жами бўлиб

20
МИНГ 636 ТА

Етакчилар Кенгаши тузилди ҳамда ўз фаолиятини бошлади.

2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” муносабати билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛХОНАСИ фаолияти йўлга қўйилди. Фуқаролар қабулхонаси – жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ёшларга оид барча мурожаат, таклиф ва истакларни тезкорлик билан йўналтириб, уларни ечилишига кўмаклашишни ўзига мақсад қилиб олган. 100 кун ичида Фуқаролар қабулхонасига жами 481та ёзма, 894та оғзаки, 511 та виртуал яъни Интернет тармоғи, 1061та тезкор рақам орқали мурожаатлар келиб тушган. Шулардан:

21% Таълим масалалари

19% Бандлик масалалари

19% Уй-жой масалалари


11% Тадбиркорлик масалалари

9% Ёшлар иттифоқига аъзолик масалалари

3% Ҳуқуқий масалалари

10% Ижтимоий масалалари

8% Бошқа масалалар.



Манзил: Тошкент 100011, Алишер Навоий кўчаси 11-уй
Телеграм: @Yoshlar qabulxonasi
E-mail: info@yi.uz
Тел: 10 93 (тезкор рақам)
(+99871) 241 00 50 (ишонч рақами)

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига
ўтган давр мобайнида
республика бўйича

19458

нафар ёш ишга жойлашиш
бўйича мурожаат қилган.
Шуларнинг

10675

нафарини эркаклар

8783

нафарини аёллар ташкил этади.

11347

нафар йигит-қиз ҳудудлардаги
корхона ва ташкилотларга ишга
жойлаштирилди. Уларнинг

6392

нафари эркаклар,

4955

нафари аёллардир. Шунингдек,
Иттифокнинг ҳудудий ва
маҳаллий Кенгашларига
тадбиркорлик фаолиятини
бошлаш истагида мурожаат
қилган

3681

нафар ёшларнинг

1011

нафарига ўз тадбиркорлик
фаолиятини йўлга қўйиши учун
амалий ёрдам кўрсатилди.



Ўзбекистон ёшлар ит-
тифоқи етакчилари ва
фаолларидан иборат “Ёшлар
патронаж гуруҳлари” тузи-
либ, республика бўйича жами

1850

**нафар уруш ва меҳнат
фахрийлари,** боқувчисини
йўқотган кексалар ҳолидан
хабар олинди ҳамда улар-
нинг уй юмушларига кўмак-
лашилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
томонидан республикамизда-
ги 18 та таълим муассасаси,
90 та маҳалла фуқаролар
йиғини, 8 та ҳарбий қисм ва
9 та касалхонада ёшлар ку-
тубхоналари ташкил этилиб,

16

**мингдан ортиқ китоблар
етказиб берилди.**

Имконияти чекланган, боқув-
чисини йўқотган ёш аёллар
бандлигини таъминлаш мақ-
садида ҳар бир вилоятнинг
саноат ривожланмаган чекка
туманларида ташкил этила-
ётган тикув цехларига 150
та тикув машинаси етказиб
берилди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ёшлардан ташкил этилган делегация аъзолари иштирокида Хитой Халқ Республикасининг Пекин ва Шанхай шаҳарларига ташриф буюрди. Ташриф давомида ушбу шаҳарларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари тузилди. Сафар мобайнида Россия, Қозоғистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон ва Тожикистон делегациялари билан ҳам ишчи тартибда мулоқот ўтказилиб, уларга мамлакатимизда ёшларга яратиб берилган имкониятлар, ушбу тизимнинг ҳуқуқий асослари, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берилди. Ушбу сафар ёшлар ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Боиси Хитойда таҳсил олаётган, тадбиркорлик қилаётган ва меҳнат фаолиятини юритаётган ёшларимиз Давлат ҳимоясида эканини ҳис қилди ҳамда улар билан тўғридан-тўғри ишлаш механизми йўлга қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 150 нафар ёшлардан иборат делегацияси Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Экспо – 2017” халқаро кўргазмаси доирасидаги “Ўзбекистон кунлари”да иштирок этди. Мазкур сафар давомида делегация аъзолари халқаро кўргазмадан ўрин олган шамол, куюш ва сув, яъни келажак энергияси маҳсулотлари билан яқиндан танишди.



2017 йилнинг 17-20 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида Орол денгизи фожиасининг бугунги кундаги ҳолатини ўрганишга ҳамда бу фожеага кенг жамоатчилик эътиборини яна бир марта қаратишга йўналтирилган Ёшлар экспедицияси ташкил этилди.

Унда ёш олимлар, гид-экскурсоводлар, фотосуратчилар, блогер ва журналистлар иштирок этди. 25 кишидан иборат экспедиция аъзолари 3 кун давомида Орол бўйи ҳудудида истиқомат қилиб, бугунги кундаги ҳақиқий ҳолат билан яқиндан танишишди.

Экспедиция дастуридан Мўйноқ туманидаги табиий кўллар (“Сары бас” кўли) ва “Кемалар қабристони”га саёҳат, “Қўнғирот-Мўйноқ” сув қузури лойиҳаси билан танишиш,

шунингдек, туман тиббиёт бирлашмасида аҳоли соғлиғига Орол фожиасининг таъсирини ўрганиш, Оролбўйи ёшлари ҳаёти ва “Тик ўзак” овул фуқаролар йиғини фаолияти билан яқиндан танишиш каби тадбирлар ўрин олди.

Экспедиция давомида #SaveAral (Оролни асра) гуруҳи ташкил этилиб, Орол денгизи соҳилида истиқомат қилувчи аҳоли ҳамда сайёҳлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига кўмак берилди, уларга ўқув қуроллари ва дарсликлар тарқатилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги ёшларга тажрибали тадбиркорлар томонидан бизнесни йўлга қўйишга қаратилган мастер-класс ташкил этилди.





14 август куни Шаҳрисабзда “Ўзбекистон Республикасида ички туризмни ривожлантириш истиқболлари ва унда ёшларнинг ўрни” мавзусида Форум ташкил этилди. Форумда туризм соҳаси бўйича ихтисослашган илмий ходимлар ва малакали ўқитувчилар, маданий мерос ва музей соҳасидаги тажрибали мутахассислар, туроператорлар, гидлар ҳамда талабалар иштирок этди.

Юртимизда ички туризмни ривожлантиришга қаратилган мазкур Форум доирасида Мунозара секциялари ташкил этилиб, ушбу секциялар қуйидаги 4 йўналишда иш олиб борди. Ички туризм турлари ва шакллари ривожланиш истиқ-



боли, Ёшлар туризми, туризмга ихтисослашган таълим, бунда жамоат ташкилотларининг роли, ҳудудлардаги туризм инфратузилмаси ҳолати, ички туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш масалалари бўйича 4 та йўналишда иш олиб борилди.

Шунингдек, Форум доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси давлат туризм қўмитаси ўртасида Меморандум имзоланди ҳамда “Ўзбекистон Республикасида ички туризмни ривожлантириш истиқболлари ва унда ёшларнинг ўрни” мавзусида очик мулоқот ташкил этилди.





Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва демократик ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга тўлақонли тушунтириш, ёшларни, жумладан, уюлмаган ёшларни ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этишга кўмаклашиш, тақлифларини қўллаб-қувватлаш ва интилишларини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ролини ошириш мақсадида “Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остидаги “Ёшлар поезда” тарғибот акцияси ўтказилди.



Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ёш кинои-жодкорлар кенгаши аъзоларининг илк маҳсулоти – “Welcome to Bukhara” номли имиджли видероликнинг ҳам тақдимоти айна шу тадбирда намоиш қилинди. Ёш ижодкорларнинг ушбу ижодий иши кўпчиликка қизиқиш уйғотди. Ушбу ролик Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларининг телеканаллари орқали намоиш қилинди.





Жорий йилнинг 8 август куни Кинематографияни ривожлантириш марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Кинематографияни ривожлантириш маркази ўртасида англашув Меморандуми имзоланди. Мазкур Меморандум ёшларнинг кинематография соҳасидаги ижодий фаолиятини биргаликда амалга оширишларига,

кино воситаси орқали ёш авлод вакиллари ва-танпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уюшмаган ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.



Жумладан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларида ёш олимлар, шоир ва ёзувчилар, психологлар, социологлар, санъаткорлар, тадбиркорлар ва спортчилар иштирокида

560

дан ортиқ учрашув, очиқ мулоқот ва ёшлар сайллари ташкил этилиб,

106

мингдан ортиқ ўғил-қизлар қамраб олинди.





Уюшмаган ёшлар ижтимоий қатламини ўрганиш, уларни касб-хунарга ўргатиш, қайта тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш ишларини замон талаблари асосида йўлга қўйиш, бу борада олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг 9-10 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида “Ёшлар — келажак бунёдкори” шиори остида уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришишнинг илмий-амалий масалаларига бағишланган республика конференцияси ўтказилди. Унга

700га

яқин илмий мақолалар келиб тушди.



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган ёшлар учун ҳудудларда тарбия ва спорт соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилди.

Ушбу оромгоҳларга

3561

нафар ёшлар жалб этилиб, шулардан

2523

нафарини ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар,

1038

нафарини кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари ташкил этди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгашлари томонидан ушбу оромгоҳларда хулқи ижобий томонга ўзгарган

660

нафар ёшларни профилактик ҳисобдан чиқариш бўйича тавсияномалар берилди.



Конференцияда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар ва масъул ходимлари, профессор ва ўқитувчилар, ёш олимлар, тадқиқотчилар ҳамда

30

дан **ортиқ** уюшмаган ёшлар вакиллари иштирок этди. Унда

150

дан **ортиқ** маърузалар тингланди. Тадбир иштирокчилари томонидан уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бандлигини таъминлаш, уларни касбга йўналтириш ва қайта тайёрлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби масалаларни ўз ичига олган

170

дан **ортиқ** таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 5 минг 847 нафар йигит-қиз фермерлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Республикамизнинг

27

та туманида ташкил этилган очик мулоқотларда барча туман ва шаҳарларлар қамраб олиниб, учрашувларда

3 минг

нафарга яқин фаол, шижоатли, ташаббускор, шунингдек, фаолияти давомиди муаммо ва қийинчиликларга дуч келаётган ёш фермерлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПП-3206-сонли “О мерах по организации деятельности Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан” Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш

институтини ташкил этилди. Бу орқали, мамлакатда ёшлар муаммоларини ўрганиш, мазкур йўналишда таҳлилий ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, истиқболли ёш кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган ягона тизим яратилди. Икки босқичли имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган

56

нафар ёш мутахассислар
институтга қабул қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгашлари томонидан

2

минг нафарга яқин чин етим, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларининг мамлакатимиздаги диққатга сазовор жойлар, муқаддас қадамжолар ва тарихий обидаларга саёҳатлари ташкил этилди. Шунингдек,

1,5

минг нафарга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилди,

138

нафар имконияти чекланган якка тартибда таълим олувчи ёшларга ўқув қуроллари - флипчарт доска, китоб ва дафтарлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг маҳаллий Кенгашлари томонидан етказиб берилди.



Республиканинг барча туман ва шаҳарларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган меҳнат ярмаркалари давомида

2

мингдан ортиқ уюшмаган ёшлар иш билан таъминланди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман ва шаҳар Кенгашлари қошида ташкил этилган ёш тадбиркорлар консултив марказлари томонидан жами

580

нафар ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашилди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, уларнинг ёшларга оид қонун лойиҳалари муҳокамасидаги фаоллигини ошириш мақсадида Республика-мизнинг барча ҳудудларидан

110

нафарга яқин ёшлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ялпи мажлисларида “Ўзбекистон

Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида”ги ва “Бола-ларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари муҳокамасида ишти-рок этди. Муҳокамалар давомида қонунлар лойиҳаларини такомиллаштиришга қаратилган

20

дан ортиқ таклифлар билдирилди.



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги-нинг йигирма олти йиллик байрами арафасида 37 нафар ёшлар вакиллари давлат му-кофотига муносиб кўрилгани ёшларга бўлган юксак ишонч, эътибор ва ғамхўрлик наму-наси сифатида эътироф этил-ди. Республикамизнинг барча ҳудудларида давлат мукофо-ти соҳиблари иштирокида ёшларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини шакл-лантиришга қаратилган

200 га

яқин тарғибот тадбирлари, учрашувлар ва оммавий ахбо-рот воситаларида чиқишлар ташкил этилди.





Жорий йилнинг июль-август ойлари давомида Республикамиз мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишлаб, барча ҳудудларда, ёшлар вакиллари кенг жалб этган ҳолда “Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остида байрам тадбирлари, очиқ мулоқотлар, китобхонлик кечалари, ёшлар сайллари, саломатлик акциялари, спорт мусобақалари, ёшлар ҳашарлари ташкил этилиб, уларда

5

миллиондан ортиқ
ёшлар қамраб олинди.



Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида Ёшлар иттифоқи қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, ёшларнинг қизиқишларини ўрганиш мақсадида

6 минг 665

нафар ёш тадбиркорлар,

4 минг 800

нафар уюшмаган ёшлар билан учрашилди. Шу билан бирга ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ва соҳага қизиқувчи йигит-қизлар иштирокида ҳудудларда ташкил этилган кичик иқтисодий ва саноат зоналари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига бизнес-саёҳатлар ташкил этилди. Натижада

1011

нафар ёшларга ўз шахсий бизнесини ташкил этишга кўмаклашилди.

Ўтган муддат ичида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан

34

нафар ёшга миллий қандолатчилик, нон ва нон маҳсулотлари, зардўзлик, тикувчилик, миллий гиламлар ва замонавий либослар, мебел маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда иссиқхона, маиший хизмат кўрсатиш ва сартарошхона фаолиятини ташкил этиш учун

1 миллиард сўм

маблағ ажратиш бўйича қарор қабул қилинди.



“Республика ёш ижодкорлар кенгаши”
нодавлат нотижорат ташкилоти
ташаббуси билан I Ёш ижодкорлар
форуми ўтказилди. Унда ёзувчи ва
шоирлар, адабиётшунос олимлар, давлат
ва жамоат ташкилотлари вакиллари,
мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан
назм, наср, драматургия, публицистика
ва таржима йўналишларида ижод
қилаётган

150

нафар ёшлар иштирок этди.



Барча туман ва шаҳарларда
фаол ҳамда иқтидорли
ёшлар, жумладан, давлат
мукофотлари соҳибларини жалб
этган ҳолда “Ёш тарғиботчилар”
гуруҳлари тузилиб, республика
бўйича

530

та маҳалла фуқаролар
йиғини,

260

та корхона ва ташкилот,

70

та фермер хўжаликлари,

98

та ҳарбий қисмларда
учрашувлар ўтказилди.

1,4

мингдан ортиқ эҳтиёжманд
оилалар ҳолидан хабар
олинди.

Учрашув ва очик
мулоқотларда

315

мингдан ортиқ ёшлар
иштирок этиб, улар
томонидан

10

мингга яқин муаммо ва
таклифлар билдирилди,
шулардан

4

мингдан ортиғи жойида
ҳал этилди.





Жорий йилнинг 5 август куни биринчи “Ёшлар маркази” Урганч шаҳрида очилди. Эндиликда ушбу марказда ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Ҳозирда марказда рус ва инглиз тили, «Ёш рассомлар», «Компютер технологиялари», «Шахмат ва шашка», «Ёш сартарошлар», «Ёш ошпазлар» тўғараклари ва вилоятда ягона бўлган “Инклюзив таълим маркази” фаолият юритмоқда. Ёшлар марказида

216

кишига мўлжалланган фаоллар зали, конференция зали, Сардорлар Кенгаши хонаси мавжуд.



“Ёшлар маркази”нинг тантанали очилиш маросими қовун ва гуллар сайли байрамига уланиб кетди. Иштирокчилар қовунхўрлик қилиб, турли гулларнинг ифори остида ширин суҳбат қурди. 6 август куни эса Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хазорасп тумани Кенгаши тасарруфига берилган тумандаги Педагогика касб-хунар коллежи “Ёшлар мар-

кази” сифатида ташкил этилди. Мазкур бино

350

ўринга мўлжалланган бўлиб, унда

11

та тўғарак фаолият юритади.

